



Муттафақун алайх бўлган ҳадисда Рофеъ ибн Хадиж розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга шом намозини ўқир эдик, сўнг бизлардан биримиз (отган) найзаси бориб тушадиган ўринни аниқ кўрадиган ҳолда кетар эдик.

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Абу Айюб ал-Ансорий розияллоҳу анху: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Умматим модомики, шом намозини юлдузлар чиққунича кечиктирмаса, яхшилика - ёки фитратда - давом этаверади», деганларини эшитдим, дейди.

Имом Муслим ривоят қылган ҳадисда Оиша розияллоху анҳо шундай дейди: Бир кеча Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам хуфтон намозини кечиктирдилар, ҳатто кечанинг кўп қисми ўтиб кетди,



масjid аҳли ухлаб ҳам қолди, сўнгра чиқиб намозни ўқидилар, сўнг: «Хуфтоннинг вақти мана шу, Умматимга машаққат бўлмаса эди шу вақтда ўқирдим», дедилар.

Имом Муслим ривоят қилған ҳадисда Жобир Ибн Самура розияллоху анху шундай дейди: Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам хуфтон намозини кечиктириб ўқир эдилар.

Шарх:

Юқоридаги ҳадис шарифлардан намоён бўлмоқдаки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари шом намозини аввалги вақтида ўқиши бўлган экан. Хуфтон намозини эса намозхонларга машакқат бўлмаслиги учун гоҳо кечиктириб ўқир эканлар.

Бүгүнги дарсдан олиналык фойдалар:

1. Шом намозини вақти киргач, тезроқ ўқиши суннат.
 2. Шом намозини юлдузлар кўриниб қолгунга қадар кечиктириш макруҳ.
 3. Хуфтон намозини кечанинг учдан биригача кечиктириш суннат.